

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**209 Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини молиялашти-  
ришнинг ресурс базасини янада кенгайтириш чора-  
тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари тузилмасини такомиллаштириш ва ходимлари сонини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 20 декабрдаги ПҚ–1444-сон қарорини бажариш юзасидан, шунингдек қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қурилишини молиялаштиришнинг ресурс базасини янада кенгайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банкининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармасини (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) унинг активларини:

Жамғарманинг жалб этилган узоқ муддатли имтиёзли кредит ресурслари бўйича Молия вазирлиги олдидаги мажбуриятларига тенг суммадаги қарз мажбуриятларини «Қишлоққурилишбанк» акциядорлик-тижорат банкининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги олдидаги қарзи сифатида расмийлаштирган;

қолган қисмини — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг

«Қишлоққурилишбанк» акциядорлик-тижорат банки устав фондидаги улушини кўпайтирган ҳолда белгиланган тартибда «Қишлоққурилишбанк» акциядорлик-тижорат банкига бериш йўли билан тугатиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Жамғармани тугатиш комиссияси таркиби 1-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Тугатиш комиссияси кредиторлар талаблари қондирилгандан кейин Жамғарманинг мол-мулкани «Қишлоққурилишбанк» акциядорлик-тижорат банки балансига берган ҳолда Жамғармани белгиланган тартибда тугатиш чора-тадбирларини амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, «Қишлоққурилиш-банк» акциядорлик-тижорат банки ва «Ипотека-банк» акциядорлик-тижорат ипотека банки узоқ муддатли имтиёзли кредит ресурслари бериш тўғрисида илгари тузилган шартномаларни илгари тузилган шартномаларда назарда тутилган шартларга мувофиқ қайта расмийлаштирсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А. Хўжаев зиммасига оқлансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2011 йил 25 май,  
151-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2011 йил 25 майдаги 151-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг айрим  
қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Уй-жой қурилишига, уни реконструкция қилишга ва сотиб олишга ипотека кредити бериш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2007 йил 3 январдаги 2-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 1-сон, 1-модда) иловада:

а) 4-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи ва тўртинчи хатбоши тегишли равишда иккинчи ва учинчи хатбоши ҳисоблансин;

---

\* 1-илова берилмайди.

- б) 7-банднинг 1-кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;
- в) 8-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;
- г) 10-банддаги «Жамғарманинг кредит линиялари, шунингдек» сўзлари чиқариб ташлансин;
- д) 12-банднинг биринчи хатбошидаги «Жамғарманинг кредит линиялари» деган сўзлари чиқариб ташлансин;
- е) II бўлим ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин, 20-банд бундан мустасно.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларига узоқ муддатли ипотека кредитларидан фойдаланган ҳолда квартиралар сотиб олиш ва яқка тартибдаги уй-жойлар қуриш учун ер участкалари ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2008 йил 31 июлдаги 163-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2008 й., 7-сон, 39-модда) илованинг 5-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Уй-жой қурилишига, уни реконструкция қилишга ва сотиб олишга ипотека кредити бериш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2007 йил 3 январдаги 2-сон қарорида назарда тутилган Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобига» сўзлари «қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда» сўзлари билан алмаштирилсин.